


ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 71 (11.882)

Баҳоси эркин нарҳда



Ватанимиз мустақиллигининг
20 йиллигига бағишилаб жойларда
12 апрелдан 5 майга қадар
«Юртим, сенга жоним фидо!»
мавзуида бадиий-ижодий
учрашувлар ва концертлар
бўлиб ўтади.

«ЮРТИМ, СЕНГА ЖОНИМ ФИДО!»

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2011 йил 6 апрелда қабул килган «Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг йилигимини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида» ги қарорида энг улуг, энг азиз айёмага бағишиланган байрам тадбирларини ватандушларимиз, айниска, ёш авлод балебида чукур таассурот колдирадиган юркоти савиядга ўтказиш мақсадида умумий ўрта таълим, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўкувчилари, олий таълим мусассалари талабалари учун мўлжалланган алоҳида тадбирлар режаси амалга оширилиши кўзда тутилган.

Жорий йилнинг 12 апрелидан 5 майга қадар Корагаплигистон Республикаси ва барча вилоятларда бўлиб ўтадиган «Юртим, сенга жоним фидо!» мавзуидаги бадиий-ижодий учрашувлар, концерт дастурлари ана шундай анжуманлардан бирдири.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси ҳамкорлигига ташкил этилаётган ушбу лойиҳада ижодий учрашувлар, маърифий тадбирлар, концертлар уюштирилади. Уларда ёш истеъодд соҳиблари ўз санъатни тенгдошларига, мусиқа ихлосмандларига намойиш этадилар.

Ушбу ижодий лойиҳада республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейлари, жойлардаги болалар ижодий марказлари, мусиқа ва санъат мактабларининг ўқувчилари, «Томоша», «Тантана», «Тарона», «Ором», «Табассум», «Настарин», «Камалак», «Шодиёна» каби болалар бадиий мусиқа ва рақс жамоалари, республика ва халқаро кўрик-танловларнинг музей ва сориндорлари фаол иштирок этади.

Жаҳон мусиқа санъатида қобилияти ва истеъодди билан Ўзбекистон номини дунёга тарататётган ёш ўғил-қизлар сафи йилдан-йилга кенгаймоқда. Бугун Нодира Дадамхамедова, Тоҳиржон Аскаров, Муҳриддин Сайфидинов, Абдузим Маннапов, Нилюфар Муҳиддинова, Жамшид Сайдкаримов, Бобур Мухаммаджонов сингари ўшларимиз номи мусиқа санъатининг турли йўналишиларида нафакат мамлакатимиз, балки дунё миқёсида кенг танилмоқда. Лойиҳадан кўзланган мақсад ҳам ана шундай ижодори ўшларнинг чекка-чекка ўшларнинг тенгдошлари билан ташишириш, уларнинг ҳавасини тортиш, пировардидан болалар ўтрасида мусиқа ва санъатни янада оммалаштиришдан иборат. Зоро, Юртбошимиз «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида таъкидлаганидек, бугунги кунда мусиқа санъати навқирон автолимизнинг юқсан мавнавият руҳида камол топишида бошқа санъат турларига қарагандга кўпроқ ва кунлироқ таъсир кўрсатмоқда.

(Давоми 3-бетда)



Айни кунларда ҳар бир жабҳада мустақиллигининг йилигина қўзигина тарафдудлар кўрсилмоқда.

Мустақиллик – олий неъмат. Истиқол кунини қўалбларимиз даъвати билан энг улуг, энг азиз байрам дея шарафламиз. Зеро ақдодларимизнинг асрор орзуси бўлган ушбу соадати лаҳзалар учун кўплаб ватандушларимиз ўз жонини ҳам фидо этган.

Буюк Истиқол бебаҳо неъматдан баҳраманд бўлиш имконини берди. Биз миллиат сифатида ўзларимизни англайдик. 130 дан зиёд миллиат ва элат вакиллари ягона оиласда бояргенглигини ҳис этган ҳолда ҳамзихатлидка яшаб келмоқда. Турмушимизга сингиб бораётган айнаналаримиз, урф-одатларимиз, ота-боболаримиздан мерор бўлган қадрятлар бизга гурур баҳш этаётir.

Бизни дунён ҳаритасида ўз ўрнига эта бўлган Ўзбекистон заминидаги инсоният цивилизацияси ривож топишига улкан ҳисса кўшган буюк олимий мутафаккирларнинг аводди эканимизни ҳалқаро ҳамжамият ҳам тан олмоқда.

Шаҳримиз янада обод бўлади

МАҲАЛЛАЛАР ФАРОВОН – ДИЛЛАРИМИЗ ЧАРОФОН

Дарҳақиқат, буларнинг баричамизда фарҳ-иғтиҳор хисларини жо этади, мустақил диёризмиз обод бўлиб, янада ривож тошиши йўлида янги-янги ташаббуслар кўрсатишга, юқсан марраларни забт этишига ўндейди.

Ёнсим етмишдан ошди. Шукрлар бўлсунки, истиқол тифайли Ватан ичра Ватан бўлган маҳалла хиссини англаб етдим, — дейди «Шифокорлар» маҳалласи фуқароши Шоқир Бекназаров. — Истиқомат киляттган кўп қаватли уйга илк бор қадам кўйганимизда, албатта, ниҳоят бошпанага эга бўлганимиз учун хурсандилигимиз чексиз эди. Ёнимда оиласизмиз азъолари, барчамиз бирга бўлсакда, ўзимиз кандайдир ёлғиз сезадрим. Тасаввур килинг-а: ҳар куни бир эшикдан ўнлаб қўни-қўшилар кириб-чиқиб юрсада, бир-бири-

нинг ҳаттоқи исмини билмас... Бундай бефарқ муносабат менга оғир ботарди. Мустақиллик шарофати билан бизнинг кўп қаватли уйларга ҳам маҳалла ҳаёт олиб келди. Маҳаллани ҳис этиш, англарни мималигини сўз билан ифодалаб бериш қўйин. Ким маҳаллада истиқомат қўйласа, бир йўлдаги хонадон эгалари, яки атрофдаги кўп қаватли уйлarda яшётган инсонлар турли байрамларда, фарзандлари тўйларида, умум янхши ёки оғир кунларда бирбирига қадрондек таянч, сунч бўлаётгандан канчалик гурурли, кувончи эканини яхши билади... Ҳозирда маҳаллизам янада гўзаллашиб бораётганидан кўнглим янада равшан тортмоқда. Фарзандларимиз, набиравларимиз, биз учун қанчадан-канча қуалайликлар яратилмоқда. Юртбошимиз раҳна-

молигида шаҳримиз янада обод бўлмоқда. Шундай экан, ўз ўрнида кўни-кўшиларимизни юртимиз, маҳалламиз ободлигига хисса кўшишга, уйларимиз, қўчаларимиз саронжом-сариншалигиги ўзимиз саклашимиз зарурлигига чакириб қоламан. Файзли ва тароватли маҳаллаларимиз эртага болаларимиз ҳам улгайшига, уларнинг соғлом яшашига хизмат килишини унтуяталини.

Махалла... Урф-одатларимиз, асрлар давомиди шаклланбиз келган, авлоддан авлодга ўтиб, ўзига хослигини йўқотмаган турмуш тарзимиз – бу маҳалладир. Ҳалқаро ҳамжамият тилида маҳалла ноёб тузилма мақомини олган ҳам айнан турмушимизнинг шундай ўзига ҳамжихатлик шакли билан белгиланади.

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида журналистика соҳасидаги «Олтин қалам» Миллий мукофоти учун халқаро танлов ташкилий қўмитасининг навбатдаги йигилиши бўлиб ўтди.

Турли вазирлик ва идоралар, ижодий ва жамоат, халқаро ташкилотлар вакиллари, оммавий ахборот восита-ларни ходимлари иштирок этган мазкур йигилишида «Олтин қалам» VI Миллий мукофоти учун халқаро танловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар атрофича муҳокама этилди.

Журналистика соҳасидаги «Олтин қалам» Миллий мукофоти учун халқаро танловнинг ташкилий қўмитаси раиси, Ўзбекистон Журналистлари ижодий ўшмаси раиси Ш.Ғуломов бошқарган йигилишида Президентимиз Ислом Каримов рахманлигига фуқароларнинг сўз еркинлигини таъминлаш ва ахборот олишига доир конституцияйи хукуқларни кафолатлаш, медиа соҳасини тубдан ислоҳ этиш, давр руҳи ва талаби асосида янада ривожлантириш юзасидан кенг қамровли ишлар амал-

ФАОЛ ВА ИЗЛАНУВЧАН ЖУРНАЛИСТЛАР ТАНЛОВИ

зарур шароит ва имкониятларни яратиш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, соҳага энг илғор ахборот-коммуникация технологияларини изчили жорий этишига алоҳида эътибор қартилди. Айни пайдай журналист кадрларининг касб макаласи ва маҳоратини ошириш, меҳнатини рабтаблантириш, янги ижодий мэрарлар сари илҳомлантириш бора-сида кенг қамровли ишлар амалга алоҳида ўрин тутади.

соҳасидаги «Олтин қалам» Миллий мукофоти учун халқаро танловнинг юртимизда анъанавий тарзда ўтказиб келинаётгани бунгун ёрқон далилларид. Бу йилги ижодий беллашув мамлакатимиз тарихидаги була сана – Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 20 йилигига арофасида «Туркестон» саройида ўтказиладиган тантанали маросимда ўзлон қилинади.

Назоказат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

**XXI садоси
аср**

БАРЧА МАНБАЛАРДАН
ОЛИНГАН СҮНГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

- Заражон шаҳридаги «Янги Заражон» маҳалла фуқаролар йигини худудида тадбиркор Ражаб Наимов томонидан 150 ўринга мўлжалланган «Барака» овқатланиш мажмуми фойдаланишига топширилди. Банкнинг 50 миллион сўмлик кредити хисобига амалга оширилган ушбу мажмуда ўнга яқин киши меҳнат қилмокда.

- Янгиер шаҳридаги «Янгиер автогазсервис» масъулияти чекланган жамиятида енгил автомобилларга газ жиҳозларини ўрнатиш хизмати йўлга кўйилди. Банкнинг 45 миллион сўмлик кредити эвазига амалга оширилган ушбу лойиҳа боис 10 киши доимий иш ўрнига эга бўлади. Корхона жамоаси кисқа муддатда аҳолига 10 миллион сўмлик техник хизмат кўрсатади.

- Корайзук туманинг «Кўбей шунгил» аҳоли пунктида намунавий лойиҳалар асосида бунёд этилган 8 та замонавий турар жой ўз егаларига топширилди. Барча куалайликларга эга ушбу кўркам имотратлар «Қоракўз курилиш» масъулияти чекланган жамиятида тарзига топширилди.

- Хонобод шаҳрининг Анҳор, Хидирша, Тейит, Фозиломон маҳаллаларида 264 та хонадонда табиий газ таъминоти яхшиланди. Бунинг учун қарий 11 километр масофада 79 миллион сўмлик курилиш-монтаж ишлари амалга оширилди. Натижада шаҳар худудидаги газ тармогининг умумий узунлиги 144 километрга етди.

- Чорток туманинг Дехқонобод маҳалласида янги қишлоқ врачлик пункти ишга туширилди. «Саломатлик – 2» лойиҳаси асосида замонавий тибий усукуна ва жиҳозлар билан таъминланган мазкур муассасада умумий амалиёт шифокори ҳамда тажрибали ҳамширалар томонидан маҳалланинг 2118 нафар аҳолисига малакали хизмат кўрсатилади. Бу ерда кундузги стационар ҳам мавжуд бўлиб, унда беморларнинг зарур молажаларни олишлари учун барча шарт-шароит яратилган.

ЖАҲОНДА

- Европа Иттифоқи расмий вакиллари Португалиянинг инкориздан чиқиб олиши учун 80 миллиард евро зарурлигини таъқидлашмоқда. «Асосишиётед-пресс» ахборот агентлигининг хабарида келтирилишича, аввалги хисоб-китобларда бунинг учун 60-75 миллиард евро атрофида маблаг лозимлиги айтиб ўтилган эди. Кредит ўн йил муддатга берилиши мўлжалланмоқда. Бунга жавобан эса Португалия нафакат бюджет харажатларини кисқартиши, балки иқтисодиёт тармокларида рақобатбардошлини кучайтириш бўйича испоҳотларни амалга ошириши лозим.

- АҚШнинг Камарильо шаҳрида самолёт омбор биноси устига куалай тушди. Иншоот ва унинг атрофидагилар жабрланмаган. Кўнгилсиз воеқа юз берган вактда ҳаво транспорти бортида беш киши бўлган. Улар орасида курбонлар бор ёки йўқлиги ҳақида ҳозирча аниқ маълумот берилмади. Жароҳатланганлар эса шифохонага ётказилди.

- Шарқий Осиё биржаларида кумушнинг бир үнцияси 40 АҚШ долларига етди. Бу ушбу қумматбаҳо металл нархи билан боғлиқ сўнгги ўттиз бир йил ичидаги энг юқори кўрсаткидир. Олтиннинг баҳоси ҳам кўтарилини. Жумладан, унинг бир үнцияси 1466 АҚШ долларини ташкил этимокда. Мутахассислар ушбу ҳолатни доллар курсининг тушиши, нефть нархининг ошиши, евроҳудудда инфляция даражасининг кучайтиши каби омиллар билан изоҳлашмоқда.

- Инсоннинг биринчи марта космосга чиқиши олдидан тайёргарлик жараёнлашида ишлатилган «Восток ЗКА-2» капсула (герметик беркитилган маҳсус кабина) Нью-Йорк шаҳридаги «Созербей» кимошди савдосига кўйилди. Унинг нархи 2-10 миллион атрофида белгиланди. Бунинг Ҳалқаро авиация ва космонавтика куни арофасида амалга оширилганинг ўзига хос размий маъноси бор. 1961 йил 25 марта куни айнан ушбу капсулада ишта винсон манекени (гавда қолипи) савмога олиб чиқилган эди.



№ 2 (209) Тошкент шахар табиятни муҳофазаси қилиш кўмитаси саҳифаси

Кўмитанинг ўтган йилги фаолиятига назар ташлайдиган бўлсак, бу борада кенг кўламдаги ишлар амалга оширилганлигининг гувохи бўламиз. Чунончи, фукаролар ва ташкилотлар талабларига биноан шахар ўсимлини дунёсини асрар масаласи юзасидан 873 та жойларга чиқишилар амалга оширилди. Ихтиофуна ва жайвонот олами жониворлари билан ноконуний савдо қилиш ҳолатларининг нотўғри кесилишига қарши курашиш юзасидан доимий фаолият олиб борилади. Зеро, табият бизнинг борлигимиз, яшил бойликлар, зилол сувлар — ҳаётимиз асоси, саломатлигимиз гаровидир.

Инсоният ҳаёти уни ўраб турган табиий муҳит билан узвий боғлиқ бўлиб, ҳар бир киши ҳаёт учун курашади, табиятнинг барча инжиклукларини енгишга, мослашишга интилади. Бинобарин, ҳар бир инсон ўзининг идроки, мушоҳадаси билан табият неъматларидан фойдаланади, куради, бунёд этади.

Масалан, иморат қуриладиган бўлса, қурилиш жойларидаги гўйчлар, дарахтлар йўқотилиб, заман тайёрланади. Шундан кўриниб турибди, одамлар ўзлари учун истиқомат жойларни барти этар эканлар, натижада табиятда қандайдир ўзгариш содир бўлади. Инсон қурилиш материални сифатидаги ўрмонларни керагина кесади, демак ўсимлини дунёси кискаради, атмосфера хавосининг мусаффо бўлишига раҳна солинади, тупрок эрозияга учрайди, ер ости сувлари камайб боради. Табиятни нисбатан ўзбекистон ташлашга мөнгүларни ўзларидан, эҳонларидан аёвсиз фойдаланиш оғир асаротлар колдириши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 55-моддасига «Ер, ер ости бойиклари, суб, ўсимлик ва жайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий ҳаётларал умумий бойлиқдир, улардан оқилон фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир», деб кўрсатилган. Демак, табиятни муҳофаза қилиш, экологик талабларга ҳар доим риоя этиш ва экологик ҳолатларини олдини олиш мустакил давлатимизнинг ижтимоий-иктисодий, ҳуқуқий масаласи бўлигини колмай, балки экологик сиёсатининг асосига айланни лозим ва бугунги кунда бу борада кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

